ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

КАДИРОВ МИР-ХУСАН МИРПУЛАТОВИЧ

ИНФОКОММУНИКАЦИОН ТИЗИМЛАРДА АХБОРОТ ҲИМОЯЛАНГАНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.01.05 – Ахборотларни ҳимоялаш усуллари ва тизимлари. Ахборот хавфсизлиги

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2020

УДК: 004.056.53

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on technical sciences

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

КАДИРОВ МИР-ХУСАН МИРПУЛАТОВИЧ

ИНФОКОММУНИКАЦИОН ТИЗИМЛАРДА АХБОРОТ ҲИМОЯЛАНГАНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.01.05 – Ахборотларни ҳимоялаш усуллари ва тизимлари. Ахборот хавфсизлиги

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/T308 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Каримов Маджит Маликович** техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Абдурахимов Бахтиёр Файзиевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Ганиев Абдухалил Абдужалилович техника фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**«UNICON.UZ» – фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.01 Илмий кенгашнинг 2020 йил «08» сентябрь соат 14-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2619 рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-ўй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2020 йил «25» сентябрь да тарқатилди.
(2020 йил «24» августдаги 14 рақамли реестр баённомаси.)

Р.Х. Хамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М. Нуралиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

С.К. Ганиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда инфокоммуникацион тизимларда ахборотдан рухсатсиз фойдаланишни аниқлаш ва бартараф этиш, тизимларнинг ҳимояланганлигини баҳолаш ва рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоялаш воситаларини яратиш ҳамда такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Рақамли иқтисодиётда ахборот технологияларини қўллаш орқали барча соҳаларнинг самарадорлиги ошиб бормоқда. Бу эса ахборотнинг ҳимояланганлик масаласида муайян хавф-хатарларни келтириб чиқаради. 2020 йилнинг биринчи чорагида киберинцидентлар сони тез суръатлар билан ошиб борди ва бунинг натижасида ахборот тизимларга бўладиган ҳужумлар сони 2019 йилга нисбатан 22,5% га ошганини яққол кўриш мумкин. Шунингдек жорий йилнинг ўзида мақсадли ҳужумлар сони 67% фоизни ташкил этди[1]. Бу борада хорижий мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Нидерландия, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия, Россия Федерацияси ва бошқа давлатларда инфокоммуникацион тизимларининг ҳимояланганлигини таъминловчи ахборотдан рухсатсиз фойдаланишни ҳимоялашнинг дастурий-аппарат воситаларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда ахборотни қайта ишлаш ва сақлаш тизимлари бир нечта ихтисослашган ахборот хизматлари бирлашмасидан иборат. Ихтисослашган ахборот хизматлари учун алоҳида математик моделлар ишлаб чиқилган. Шу нуқтаи назардан бир нечта хавфсизлик моделларини бир тизимга бирлаштириш ҳозирги кунда муҳим вазифалардан бири саналади. Бироқ хавфсизлик моделларини ўзгартирмасдан бир нечта хизматларни бир тизимга бирлаштириш умумий тизимнинг ишлаш самарадорлигини пасайтиришга имкон яратади. Шу сабабли инфокоммуникацион тизимларда маълумотлар базасини бошқариш тизимлари махфийлигини ошириш ва роллар ёрдамида бошқаришни амалга оширишда такомиллаштирилган мандат ва ролли хавфсизлик моделини ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

Республикамизда давлат ва хўжалик бошқарув органларида инфокоммуникацион тизимларини ривожлантириш ҳамда шу тизимларда маълумотларни сирқиб чиқишини ва ахборотдан рухсатсиз фойдаланишни чеклаш усул ва воситаларини кенг татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга қарши ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш»[2] вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, инфокоммуникацион тизимларда ахборотдан рухсатсиз фойдаланишни чекловчи хавфсизлик моделларини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

---

[1] https://www.ptsecurity.com/ru-ru/research/analytics/cybersecurity-threatscape-2020-q1/

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сон «Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2019 йил 14 сентябрдаги ПҚ-4452-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон миқёсида илмий-тадқиқотлар натижасида ахборотнинг ҳимояланганлигини оширишда ахборотдан рухсатсиз фойдаланишни чеклашнинг усул, модел ва воситаларини ривожлантиришга: D. Elliott Bell, Leonard J. LaPadula, R.S. Sandhu, D. Richard Kuhn, Zoran Stojanovich, Ajantha Dahanayake, Karsten Sohr, Jürgen Schlegelmilch, Bernhard J. Berger, Han Jinguang, Ali Abdallah, Jason Crampton, Philippe Balbiani, Pierangela Samarati, S. De Capitani di Vimercati, В. Мухин, А.М. Волокита, А.Ю. Щеглов, К.А. Щеглов, Н.А. Гайдамакин, Д.П. Зегжда, А.Ю. Щербаков, В.А. Герасименко, С.В. Белим, Н.Ф. Богаченко, Ю.С. Ракицкий каби етакчи хорижий олимлар ҳисса қўшишган.

Ахборотдан фойдаланишни чекловчи хавфсизлик сиёсатларини бирлаштириш усуллари ва алгоритмлари билан боғлиқ муаммолар Rivera Sanchez, C.E. Phillips, Mustafa Kocatürk, Taflan Gündem, П.Н. Девянин каби хорижий олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Ушбу йўналишнинг Республикамизда ривожланишига Т.Ф. Бекмуратов, С.К. Ганиев, М.М. Каримов, А.А.Ганиев, Д.Я. Иргашева, А.А. Сулима, О.М. Исмоилов ва бошқалар ўзларининг муҳим ҳиссаларини қўшишган.

Шу билан бирга ахборотдан фойдаланишни чекловчи хавфсизлик моделларини бирлаштириш усулларининг назарий соҳасида натижаларга эришилганига қарамасдан, уларни амалий жиҳатдан инфокоммуникацион тизимларда қўллаш усуллари ва алгоритмлари етарлича тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №А-5-48 «Ахборот коммуникация тизимларида яратилаётган файл объектларга назоратли мурожаатда ахборотни ҳимоялашни ошириш усуллари» (2015-2017) ва ЁОТ-Атех-2018-168 «Компьютер тармоқларида ҳужумларни аниқлаш усуллари ва воситаларини такомиллаштириш» (2018-2019) мавзусидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инфокоммуникацион тизимларда фойдаланишни чеклаш моделлари асосида ахборотни ҳимояланганлик даражасини оширишнинг усул ва воситаларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инфокоммуникацион тизимларда фойдаланишни чеклашни хавфсизлик моделини такомиллаштириш;

ахборотни махфийлиги ва яхлитлигини таъминловчи мандатли хавфсизлик сиёсатини қуриш усулини такомиллаштириш;

операцион тизимларда фойдаланишни бошқаришнинг бирлаштирилган мандат ва ролли моделини такомиллаштириш;

ахборотдан рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш алгоритми ва дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти инфокоммуникацион тизимларида ахборот оқимлари қаралган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ахборотдан рухсатсиз фойдаланишни чеклаш қаралган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида ахборотни ҳимоялаш усуллари, математик моделлар, алгебраик панжара назарияси, графлар назарияси ва объектга йўналтирилган дастурлашдан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ахборотдан фойдаланишни назоратлаш усули асосида турли фойдаланувчилар маълумотларини бошқарув функцияларининг бир-бири билан кесишмаслигини таъминловчи ташкилотнинг хавфсизлик модели такомиллаштирилган;

ахборотдан фойдаланишни чеклашни мандатли бошқариш сиёсати ёрдамида ахборот ҳимояланганлигини оширишнинг концептуал модели ишлаб чиқилган;

иккита қийматли панжаранинг декарт кўпайтмасини тузиш орқали маълумотларни махфийлиги ва яхлитлигини таъминлаш имконини берувчи мандатли хавфсизлик сиёсатини қуриш усули такомиллаштирилган;

фойдаланувчининг қайд маълумотларининг ваколатли ролларини ва фойдаланиш ҳуқуқларининг вазифаларини белгилаш орқали фойдаланишни бошқаришнинг мандат ва ролли модели такомиллаштирилган;

Де-юре ва Де-факто қоидалари ва ахборотдан фойдаланишни бошқариш қоидаларини шакллантириш асосида тизим ҳимояланганлик ҳолатини оширувчи алгоритм ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инфокоммуникацион тизимларда ахборотдан рухсатсиз фойдаланишни чекловчи усуллар, моделлар ва алгоритмлар ишлаб чиқилган;

инфокоммуникацион тизимларини лойиҳалаш босқичларида ахборотдан рухсатсиз фойдаланишдан таҳдидларни амалга оширишга уринишлар сонини ҳисоблаш имконини берувчи усул таклиф этилган;

инфокоммуникацион тизимларининг ҳимояланганлик коэффициенти асосида рухсатсиз фойдаланишдан ахборотнинг ҳимояланганлигини миқдорий баҳолаш модели ва ахборотдан рухсатсиз фойдаланишни чекловчи

дастурий мажмуа ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги инфокоммуникацион тизимларида ахборотдан рухсатсиз фойдаланишни чеклашда ишлаб чиқилган усуллар ва рухсатсиз фойдаланишдан ахборотнинг ҳимояланганлигини миқдорий баҳолаш модели ҳамда дастурий мажмуани амалга оширишда ишлаб чиқилган алгоритмлар бўйича ўтказилган тажрибаларнинг натижалари билан шарҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган ахборотдан рухсатсиз фойдаланишни чекловчи усуллар, моделлар ва алгоритмлар ташкилотда хавфсизлик моделини яратишга асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, инфокоммуникацион тизимларининг ҳимояланганлик коэффициенти ҳисобига ахборот хавфсизлигини бошқариш самарадорлигини ҳамда мандат ва ролли фойдаланиш асосида ишлаб чиқилган дастурий мажмуа инфокоммуникацион тизимларда ахборот ҳимояланганлик даражасини ошириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инфокоммуникацион тизимларида ахборотдан рухсатсиз фойдаланишни чекловчи усуллар, моделлар ва алгоритмлар бўйича олинган илмий натижалар асосида:

фойдаланувчининг қайд маълумотларининг ваколатли ролларини ва фойдаланиш ҳуқуқларининг вазифаларини белгилаш имконини берувчи фойдаланишни бошқаришни такомиллаштирилган мандат ва ролли модели асосида ишлаб чиқилган тизим ҳимояланганлигини оширувчи дастурий мажмуа – «Тошкент» Республика фонд биржаси АЖга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 17 августдаги 33-8/4721-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган дастурий мажмуа ташкилот ходимларининг ишлаш жараёнларида махсус роллар асосида субъектнинг махфийлик даражасига қараб бошқариш, ходимларнинг мониторингини олиб бориш ва тизим ахборотидан рухсатсиз фойдаланишни олдини олиш имконини берган;

Де-юре ва Де-факто қоидалари ва ахборотдан фойдаланишни бошқариш қоидаларини шакллантириш бўйича тизим ҳимояланганлик ҳолатини оширишга имкон берувчи алгоритм ва дастурий мажмуа – «Trans New Millenium» МЧЖга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 17 августдаги 33-8/4721-сон маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқилган автоматлаштирилган тизим ҳимояланганлигини оширувчи дастурий мажмуаси «MK Universal» турли ахборотдан рухсатсиз фойдаланишни чекловчи ҳимоя қилиш воситалари ишлаши унумдорлигини баҳолаш бўйича энг яхши кўрсаткичга эга «Dallas Lock» дастурий мажмуасидан 7% га ва энг паст кўрсаткичга эга «Secret Net» дастурий мажмуасидан 18% га юқори унумдор ишлаш имконини берган;

инфокоммуникацион тизимларда фойдаланишни бошқариш усули

асосида ташкилотнинг хавфсизлик модели ва мижоз-сервер архитектураси орқали амалга оширилган дастурий мажмуа «UNF Universal» МЧЖга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 17 августдаги 33-8/4721-сон маълумотномаси). Натижада, мижоз-сервер архитектураси асосида ишлаб чиқилган дастурий мажмуа фойдаланувчилар маълумотларини бошқарув функцияларининг бир-бири билан кесишмаслигини таъминлаш ҳисобига роллар иерархиясини қуришга ва ташкилот тизим ахборотидан рухсатсиз фойдаланишни бартараф этишга ҳамда корхона раҳбарининг ўз ходимларини иш жараёнида бошқариш орқали ташкилотнинг иш унумдорлигини 13% фоиз оширишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 7 та халқаро ва 2 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация коммисиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, 11 таси хорижий ва 2 таси республика журналларида нашр қилинган, шунингдек, 6 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асосланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, тадқиқот натижаларини апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Инфокоммуникацион тизимларда ахборотнинг ҳимояланганлигини ошириш усул ва воситаларини таҳлили»** деб номланган биринчи боби инфокоммуникацион тизимларнинг ҳимояланганлиги муаммолари, ахборот хавфсизлиги таҳдидлари ва хавф-хатарлари ҳамда ахборотнинг ҳимояланганлигини ошириш усулларига бағишланган. Шунингдек бу бўлимда инфокоммуникацион тизимларда ахборотнинг ҳимояланганлигини ошириш моделларининг қиёсий таҳлили ўтказилган. Инфокоммуникацион тизимларда ўтказилган қиёсий таҳлил асосида ахборотнинг ҳимояланганлик моделларининг умумий камчилик ва афзалликлари келтирилган. Инфокоммуникацион тизимлар ресурсларидан

фойдаланишни чеклаш моделларининг асосий характеристикаларининг қиёсий таҳлили 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Фойдаланишни чеклаш моделларининг характеристикаларини таққослаш

	Дискрецион	Мандат	RBAC
Амалга оширишнинг мураккаблиги	Ўрта	Юқори	Юқори
Ҳимояланганлиги	Ўрта	Юқори	Юқори
Фойдаланишни мураккаблиги	Ўрта	Юқори	Ўрта
Унумдорлик	Кам ресурслардан фойдаланади	Кам ресурслардан фойдаланади	Кўп ресурслардан фойдаланади
Тизим хавфсизлигининг формал исботи	Тўлиқ эмас	Тўлиқ	Тўлиқ эмас
Тармоқда хавфсизликни таъминлаш	Таъмин-ламайди	Таъмин-ламайди	Таъминлайди
Ахборотни сирқиб чиқиб кетишини назорат қилиш	Тўлиқ эмас	Тўлиқ	Тўлиқ эмас

Таъкидлаш лозимки, янги усулларни ҳамда тизимнинг юқори хавфсизлигини таъминловчи модификацияланган ахборотнинг ҳимояланганлигини ошириш моделларини яратиш долзарб ҳисобланади.

Диссертациянинг **«Инфокоммуникацион тизимларда ахборот хавфсизлигини ошириш усул ва моделлари»** деб номланган иккинчи бобида ахборот ҳимояланганлигини оширишда мандат ва ролларга асосланган фойдаланишни чеклаш усуллари келтирилган ва ишлов бериладиган маълумотларнинг хавфсизлик даражасини рухсатсиз пасайтиришдан ҳимоялаш усули тавсифланган. Ташкилотларда ролларга асосланган фойдаланишни бошқариш усули қўлланилган ва фойдаланишни чеклашни мандатли бошқариш сиёсати ёрдамида ахборот ҳимояланганлигини оширишнинг концептуал модели такомиллаштирилган. Ҳамда яратилаётган файл объектларидан фойдаланишни бошқариш тизимининг модели таклиф этилган.

Тавсия этилаётган ёндашувда ахборотни моҳиятини босқичма-босқич таснифлаш орқали амалга оширувчи ҳимоя объектлари дарахт кўринишида қурилган, бунда иерархия даражалари ҳимоя қилиш субъектларини ўзаро боғлиқлигини акс этирувчи ҳимоя объектларининг эгалари мақомига эга бўлади. Ҳимоя қилиш объектларини дарахт тузилишида тасвирлаш субъектларнинг объектларга эгалик ҳуқуқи иерархияси орқали амалга оширилади. Ҳимоялаш объектлари ўртасидаги иерархик боғлиқлик маълумотларнинг махфийлик даражалари иерархияси ва объектларнинг эгалари бўлган субъектларни таснифлаш иерархияси орқали намоён бўлади.

1-расмда фойдаланишни чеклашни мандатли бошқариш сиёсати

ёрдамида ахборот ҳимояланганлигини оширишнинг концептуал модели тақдим этилган.



1-расм. Фойдаланишни чеклашни мандатли бошқариш сиёсати ёрдамида ахборот ҳимояланганлигини оширишнинг концептуал модели

Фойдаланувчининг предмет соҳасининг бошланғич ҳолатида, ажратилган ахборот объектлари структуравий ахборот элементлари сифатида тақдим этилади. Фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган талаблари маълумот сўровлари шаклида тақдим этилади.

Диссертация ишининг **«Ахборотдан фойдаланишни чекловчи хавфсизлик сиёсатларини бирлаштириш усул ва алгоритмлари»** номли учинчи бобида инфокоммуникацион тизимларида маълумотлар махфийлиги ва яхлитлиги талаб қилинадиган иккита қийматли панжарани киритиш йўли билан мандатли хавфсизлик сиёсатини бирлаштириш усули такомиллаштирилган. Панжара графига асосланган мандат ва ролли хавфсизлик сиёсатини бирлаштириш усули ҳамда операцион тизимларда мандат ва ролли фойдаланиш бошқариш модели таклиф этилган. Де-юре ва Де-факто қоидаларига асосланган мандат ва ролли фойдаланишни бошқаришни амалга ошириш алгоритми ишлаб чиқилган.

Иккита мандатли хавфсизлик сиёсатини бирлаштириш зарурияти бир вақтнинг ўзида маълумотлар махфийлигини ва яхлитлигини талаб қиладиган тизимларда пайдо бўлади. Шу билан бирга тизимни бошқариш вазифаси жуда кўп вақт талаб этади, чунки ҳар бир ахборотдан фойдаланиш иккита мустақил қоидага мувофиқ текширилади. Бунинг учун ташкилотнинг ягона қийматлар панжарасини бўлимлар кесимида декарт кўпайтмаси орқали амалга ошириш мумкин.

$$L_1 \times L_2$$

Бундай ёндашувда тизимдаги ҳар бир объект (m_1, m_2) $(m_1 \in L_1, m_2 \in L_2)$ хавфсизлик белгилари билан тавсифланади.

D_1 бўлимда $L_1 = a_1,\ a_2, a_3, a_4$ чизиқли қийматлар панжарасида $(a_1 < a_2 < a_3 < a_4)$ тўртта хавфсизлик даражаси амал қилсин.

D_2 бўлимда $L_2 = b_1, b_2, b_3, b_4$ чизиқли қийматлар панжарасида $(b_1 < b_2 < b_3 < b_4)$ тўртта хавфсизлик даражаси амал қилсин.

Натижада 2-расмда 16 та хавфсизлик белгисига эга бўлган бирлаштирилган ташкилотнинг хавфсизлик панжараси ҳосил бўлади.



2-расм. Бирлаштирилган ташкилотнинг хавфсизлик панжараси

a_4, b_4 панжаранинг энг паст даражаси ҳар бир бўлимнинг ахборотдан фойдаланишини ўз ичига олади, бу эса ахборот сирқиб чиқишини пайдо қилиши мумкин. Бундай вазиятни олдини олиш учун янги хавфсизлик панжарасини қўшимча хавфсизлик даражалари билан тўлдириш керак бўлади. Бунинг учун ҳар қандай панжарани бўш элемент ёки ноль элементи билан тўлдирадиган элементар ўзгартириш киритиш керак бўлади. Юқоридаги ёндашув асосида натижавий панжара 25 элементдан иборат бўлади. $L^{\emptyset}$ панжарасининг диаграммаси 3-расмда кўрсатилган.

$L = L_1 \times L_2$ панжараси D_1 ва D_2 бўлимлари ўртасида ахборот

алмашинувини таъминлаш воситаси сифатида ҳисобланади, бунда ахборот алмашинуви хавфсиз бўлади, чунки ҳар бир ўзаро таъсир учун хавфсизликнинг махсус даражаси мавжуд. Бундан ташқари, $L^{\emptyset}$ панжарасида яна иккита қуйи панжарани ажратиш мумкин, уларнинг ҳар бири ахборот алмашинувисиз бўлимларнинг ишлашини имитация қилади.



3-расм. Бирлаштирилган тизимнинг хавфсизлик панжараси

Ролли ва мандатли фойдаланишни бошқариш моделларини бирлаштириш усулида ролларга асосланган хавфсизлик сиёсати олтита роллар билан берилади, улардан бири (r_0) “Бўш”, яъни ҳеч қандай имтиёзларга эга эмас ва бошқа ҳар қандай ролларга бўйсунади. Мандатли хавфсизлик сиёсати L панжараси билан аниқлансин, унинг элементлари l_1, l_2, l_3, l_4 тугунлар, бунда тартиб қуйидагича берилади $l_1 \geq l_2 \geq l_3 \geq l_4$.

Ролларга асосланган хавфсизлик сиёсати мандатли хавфсизлик сиёсати билан бир-бирига зид бўлмаган ҳолда бирлашади. Бунинг учун R ва L панжараларининг декарт кўпайтмаси бўлган $R \times L$ панжарасини қуриш керак, бу ерда $R -$ панжара графи билан аниқланадиган панжара.

$R \times L$ панжара элементлари (r_i, l_j) жуфтликлари, бунда $i = 0, \ldots, 4$ ва $j = 1, \ldots, 5$. Бундай ҳолда тартибланиш қуйидагича белгиланади:

$(r_i, l_j) \geq (r_k, l_m)$, агар $r_i \geq r_k$ ва $l_j \geq l_m$.



4-расм. Ролли ва мандатли хавфсизлик сиёсатини бирлаштириш панжараси



5-расм. Мандат ва ролли фойдаланишни бошқаришни амалга ошириш алгоритми

4-расмда келтирилган панжара графи $R \times L$ панжарасига изоморф ҳисобланади. Олинган $R \times L$ панжарасида мандатли хавфсизлик сиёсатини ўрнатиш мумкин. Ўз навбатида йўналтирилган графда ролларга асосланган хавфсизлик сиёсатини қуриш мумкин бўлади.

Агар роллар иерархияси графи панжара кўринишида бўлса ёки уни ўзгартириш ёрдамида кенгайтириш орқали панжара кўринишига келтириш мумкин бўлса, унда ролларга асосланган хавфсизлик сиёсати мандатли хавфсизлик сиёсати билан бир-бирига зид бўлмаган ҳолда бирлаштириш имконини беради.

Де-юре ва Де-факто қоидалари асосида ишлаб чиқилган мандат ва ролли фойдаланишни бошқаришни амалга ошириш алгоритми ахборотдан фойдаланишни бошқариш қоидаларини шакллантириш орқали ахборот тизимининг ҳимояланганлигини ошириш имконини беради (5-расм).

Шундай қилиб, тавсифланган усулни ахборот тизимида қўллаш мандат ва ролли фойдаланишни бошқаришнинг ягона механизмини амалга ошириш имконини беради ва натижада бузғунчи субъектларга роллар параметрларидан фойдаланиб тақиқланган ахборотдан фойдаланиш имконияти бартараф этилади.

Диссертациянинг **«Инфокоммуникацион тизимларида ахборот ҳимояланганлигини баҳолаш воситалари»** номли тўртинчи бобида инфокоммуникацион тизимларини лойиҳалаш босқичларида рухсатсиз фойдаланишдан зарар эҳтимоли ва хавфсизликка таҳдидларни амалга оширишга уринишлар сонини ҳисоблаш имконини берувчи ёндашув ва рухсатсиз фойдаланишдан ахборотнинг ҳимояланганлигини миқдорий баҳолаш модели таклиф қилинган ҳамда инфокоммуникацион тизимларида рухсатсиз фойдаланишни чекловчи дастурий мажмуа ишлаб чиқилган.

Инфокоммуникацион тизимларини лойиҳалаш босқичларида ахборотдан рухсатсиз фойдаланишдан зарар эҳтимоллигини камайтириш, баҳолаш ва таҳдидларни амалга оширишга уринишлар сонини ҳисоблаш имконини берувчи усул асосида 2-жадвалда турли хил бошланғич параметрларга эга компьютер тизимлари учун P_x ва P_y ҳимояланганликни баҳолашни сон жиҳатидан фарқи кўрсатилган. P_x ва P_y ахборотдан рухсатсиз фойдаланишнинг эҳтимолини пастки ва юқори чегараларини беради.

2-жадвал

Компьютер тизимларида ахборот ҳимояланганлигини баҳолаш

	КТ1	***КТ2***	***КТ3***	***КТ4***	***КТ5***	***КТ6***	***КТ7***
S	12	15	20	30	40	50	50
K	3	3	3	3	3	4	4
N_1	3	5	5	4	10	10	10
N_2	4	5	6	6	10	10	10
N_3	5	5	7	10	10	10	10
M_1	3	3	9	5	3	6	4
M_2	4	3	3	2	3	6	5
M_3	2	3	6	9	3	6	9
P_1	0,066	0,055	0,037	0,040	0,030	0,021	0,022

P_2	0,063	0,055	0,047	0,045	0,030	0,021	0,023
P_3	0,071	0,055	0,042	0,034	0,030	0,021	0,020
U_1	0,187	0,248	0,172	0,151	0,265	0,197	0,205
U_2	0,227	0,248	0,254	0,243	0,265	0,197	0,209
U_3	0,309	0,248	0,257	0,296	0,265	0,197	0,186
P_x	0,251	0,248	0,232	0,251	0,265	0,197	0,198
P_y	8,411	1,481	1,772	5,371	2,782	3,091	3,282

Ахборотдан рухсатсиз фойдаланишни чекловчи ҳимоя қилиш воситаларининг мезонларини объектив қийматлар асосида ҳисоблаш жараёни амалга оширилган.

1. MK- Universal:

$$\sum_{i=1}^{15} F_{i1}^{+} \cdot P_i^{+} - \sum_{j=1}^{1} F_{j1}^{-} \cdot P_j^{-} =$$

$$\begin{pmatrix} 1*1+1*1+1*0+0{,}9*0+0{,}8*0+0{,}7*1+0{,}5*0+0{,}2*1 \\ +0{,}9*1+0{,}6*1+0{,}1*1+0{,}2*1+0{,}9*1+0{,}9*0+0{,}7*1 \end{pmatrix}$$
$$-(0{,}5*1) = 5{,}8$$

2. Secret Net:

$$\sum_{i=1}^{15} F_{i2}^{+} \cdot P_i^{+} - \sum_{j=1}^{1} F_{j2}^{-} \cdot P_j^{-} =$$

$$\begin{pmatrix} 1*1+1*1+1*1+0{,}9*1+0{,}8*0+0{,}7*0+0{,}5*0+0{,}2*1 \\ +0{,}9*0+0{,}6*0+0{,}1*1+0{,}2*1+0{,}9*1+0{,}9*0+0{,}7*1 \end{pmatrix}$$
$$-(0{,}5*4) = 4$$

3. КРИПТОН-ЩИТ:

$$\sum_{i=1}^{15} F_{i3}^{+} \cdot P_i^{+} - \sum_{j=1}^{1} F_{j3}^{-} \cdot P_j^{-} =$$

$$\begin{pmatrix} 1*1+1*0+1*1+0{,}9*0+0{,}8*1+0{,}7*1+0{,}5*0+0{,}2*1 \\ +0{,}9*0+0{,}6*0+0{,}1*1+0{,}2*1+0{,}9*1+0{,}9*0+0{,}7*1 \end{pmatrix}$$
$$-(0{,}5*2) = 4{,}6$$

4. Страж NT:

$$\sum_{i=1}^{15} F_{i4}^{+} \cdot P_i^{+} - \sum_{j=1}^{1} F_{j4}^{-} \cdot P_j^{-} =$$

$$\begin{pmatrix} 1*1+1*0+1*1+0{,}9*0+0{,}8*1+0{,}7*1+0{,}5*0+0{,}2*1 \\ +0{,}9*0+0{,}6*0+0{,}1*1+0{,}2*1+0{,}9*1+0{,}9*0+0{,}7*1 \end{pmatrix}$$
$$-(0{,}5*3) = 4{,}1$$

5. Dallas Lock:

$$\sum_{i=1}^{15} F_{i5}^{+} \cdot P_i^{+} - \sum_{j=1}^{1} F_{j5}^{-} \cdot P_j^{-} =$$

$$\begin{pmatrix} 1*1+1*0+1*1+0{,}9*1+0{,}8*1+0{,}7*1+0{,}5*1+0{,}2*1 \\ +0{,}9*0+0{,}6*1+0{,}1*1+0{,}2*1+0{,}9*1+0{,}9*0+0{,}7*1 \end{pmatrix}$$
$$-(0{,}5*5) = 5{,}1$$

6. InfoWatch EndPoint Security:

$$\sum_{i=1}^{15} F_{i6}^{+} \cdot P_i^{+} - \sum_{j=1}^{1} F_{j6}^{-} \cdot P_j^{-} =$$

$$\begin{pmatrix} 1*1+1*1+1*1+0{,}9*0+0{,}8*1+0{,}7*1+0{,}5*0+0{,}2*1 \\ +0{,}9*0+0{,}6*0+0{,}1*0+0{,}2*1+0{,}9*1+0{,}9*0+0{,}7*1 \end{pmatrix} - (0{,}5*3) = 5$$

Диссертацияда такомиллаштирилган моделлар, усуллар ва алгоритмлар асосида автоматлаштирилган тизим ҳимояланганлигини оширувчи дастурий мажмуаси ишлаб чиқилган ҳамда ахборотдан рухсатсиз фойдаланишни чекловчи ҳимоя қилиш воситаларини ишлаш унумдорлигини қиёсий баҳолаши ўтказилган (3-жадвал ва 6-расм).

3-жадвал

Автоматлаштирилган тизим ҳимояланганлигини оширувчи дастурий мажмуасининг турли ахборотдан рухсатсиз фойдаланишни чекловчи ҳимоя қилиш воситалари билан ишлаши унумдорлигини баҳолаш натижалари

Ахборотдан рухсатсиз фойдаланишни чекловчи ҳимоя қилиш воситалари / Кўрсаткичлар	MK- Universal	Secret Net	КРИПТОН-ЩИТ	Страж NT	Dallas Lock	InfoWatch EndPoint Security
s	5,8	4	4,6	4,1	5,1	5
s_{max}	9,9	9,9	9,9	9,9	9,9	9,9
$U(\%)$	58,585	40,404	46,464	41,414	51,515	50,505



6-расм. Ахборотдан рухсатсиз фойдаланишни чекловчи ҳимоя қилиш воситаларининг унумдорлигини қиёсий таҳлили гистограммаси

Қиёсий таҳлил натижаларига кўра, автоматлаштирилган тизим ҳимояланганлигини оширувчи дастурий мажмуаси «MK Universal» турли ахборотдан рухсатсиз фойдаланишни чекловчи ҳимоя қилиш воситалари ишлаши унумдорлигини баҳолаш бўйича энг яхши кўрсаткичга эга «Dallas Lock» дастурий мажмуасидан 7% ва энг паст кўрсаткичга эга «Secret Net» дастурий мажмуасидан 18% юқори унумдорликка эга.

ХУЛОСА

«Инфокоммуникацион тизимларда ахборот ҳимояланганлигини оширишнинг усул ва воситаларини такомиллаштириш» мавзусидаги диссертация бўйича қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ролларга асосланган фойдаланишни бошқариш усули асосида ташкилотнинг хавфсизлик модели таклиф этилган. Таклиф этилган модел турли фойдаланувчилар маълумотларини бошқарув функцияларининг бир-бири билан кесишмаслигини таъминлаш ҳисобига роллар иерархиясини қуришга имкон яратади.
2. Иккита қийматли панжаранинг декарт кўпайтмасини тузиш орқали маълумотларни махфийлиги ва яхлитлигини таъминлаш имконини берувчи мандатли хавфсизлик сиёсатини қуриш усули такомиллаштирилган.
3. Операцион тизимларда фойдаланишни бошқариш хусусиятларига асосланиб фойдаланишни бошқаришнинг мандат ва ролли модели такомиллаштирилган. Такомиллаштирилган модел фойдаланувчиларнинг қайд маълумотларининг ваколатли ролларини, жорий субъект-сеанси ва фойдаланувчи ҳуқуқининг жорий ролларини тақдим этишга имкон беради.
4. Де-юре ва Де-факто қоидаларидан фойдаланиб мандат ва ролларга асосланган фойдаланишни бошқариш алгоритми ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган алгоритм ахборотдан фойдаланишни бошқариш қоидаларини шакллантириш орқали ахборот тизимининг ҳимояланганлигини ошириш имконини беради.
5. Инфокоммуникацион тизимларида ахборотдан рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилишни баҳоловчи усул таклиф этилган. Таклиф этилган усул ахборотдан рухсатсиз фойдаланишдан зарар эҳтимоллигини камайтириш, тизим ҳимояланганлигини баҳолаш ва уларга бўладиган таҳдидларни амалга оширишга уринишлар сонини ҳисоблашга имкон беради.
6. Автоматлаштирилган тизим ҳимояланганлигини оширувчи «MK Universal» - дастурий мажмуа ишлаб чиқилган. Ўтказилган ҳисоблаш тажриба натижалари бўйича ишлаб чиқилган дастурий мажмуа турли ахборотдан рухсатсиз фойдаланишни чекловчи ҳимоя қилиш воситалари ишлаши унумдорлигини баҳолаш бўйича энг яхши кўрсаткичга эга «Dallas Lock» дастурий мажмуасидан 7% ва энг паст кўрсаткичга эга «Secret Net» дастурий мажмуасидан 18% юқори унумдор ишлашга имкон беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.T.07.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ

КАДИРОВ МИР-ХУСАН МИРПУЛАТОВИЧ

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ И СРЕДСТВ ПОВЫШЕНИЯ ЗАЩИЩЕННОСТИ ИНФОРМАЦИИ В ИНФОКОММУНИКАЦИОННЫХ СИСТЕМАХ

05.01.05 – Методы и системы защиты информации. Информационная безопасность.

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2020.3.PhD/T308.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Каримов Маджит Маликович** доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Абдурахимов Бахтиёр Файзиевич** доктор физико-математических наук, профессор
	Ганиев Абдухалил Абдужалилович кандитат технических наук, доцент
Ведущая организация:	**«UNICON.UZ» – центр научно-технических и маркетинговых исследований**

Защита диссертации состоится «08» октября 2020 года в 14[00] часов на заседании Научного совета DSc.13/30.12.2019.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер №1619). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «25» сентября 2020 года.
(протокол рассылки №14 от «24» августа 2020 года.)

Р.Х. Хамдамов
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Ф.М. Нуралиев
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

С.К. Ганиев
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире особое внимание уделяется на обнаружение и устранение несанкционированного доступа к информации в инфокоммуникационных системах, оценке защищенности систем, а также на создание и совершенствование средств защиты от несанкционированного доступа. В цифровой экономике эффективность всех секторов увеличивается за счет использования информационных технологий. Это создает определенные риски для проблемы информационной безопасности. В первом квартале 2020 года количество киберинцидентов быстро увеличивалось, в результате чего количество атак на информационные системы увеличилось на 22,5% по сравнению с 2019 годом. Также количество целевых атак только в этом году составило 67%[1]. По данному направлению в развитых странах, таких как США, Нидерланды, Германия, Великобритания, Франция, Италия, Российская Федерация и других государствах уделяется особое внимание разработке программно-аппаратных средств, обеспечивающих защиту инфокоммуникационных систем от несанкционированного доступа к информации.

В мире системы обработки и хранения информации представляют собой совмещение нескольких специализированных информационных сервисов. Для специализированных информационных сервисов разработана своя математическая модель. В связи с этим объединение нескольких моделей безопасности в одну систему в настоящее время является одной из важных задач. Однако объединение нескольких сервисов в одну систему без изменения моделей безопасности может привести к снижению работоспособности системы. Следовательно, разработка усовершенствованной модели управления политикой безопасности мандатно-ролевого разграничения доступа является актуальной для осуществления управления на основе ролей и повысит конфиденциальность систем управления базами данных в инфокоммуникационных системах.

В нашей Республике, наряду с развитием инфокоммуникационных систем в органах государственного и хозяйственного управления, особое внимание уделяется широкому применению методов и средств защиты информации, утечке информации и несанкционированному доступу к информации в этих системах. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены задачи, в том числе, «…совершенствование системы обеспечения информационной безопасности и защиты информации, своевременное и адекватное противодействие угрозам в информационной сфере»[2]. Для решения этих задач одним из важных вопросов является совершенствование политик безопасности, ограничивающих несанкционированный доступ к информации в инфо-коммуникационных системах в соответствии с современными требованиями.

---

[1] https://www.ptsecurity.com/ru-ru/research/analytics/cybersecurity-threatscape-2020-q1/

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, служит выполнению задач, предусмотренных указом Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-4022 от 21 ноября 2018 года «О мерах по дальнейшей модернизации цифровой инфраструктуры в целях развития цифровой экономики», № ПП-4452 от 14 сентября 2019 года «О дополнительных мерах по совершенствованию системы контроля за внедрением информационных технологий и коммуникаций, организации их защиты», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики IV. «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. В рамках мировых исследований по разработке методов, моделей и средств разграничения доступа от несанкционированного доступа к информации большой вклад внесли следующие зарубежные ученые: D. Elliott Bell, Leonard J. LaPadula, R.S. Sandhu, D. Richard Kuhn, Zoran Stojanovich, Ajantha Dahanayake, Karsten Sohr, Jürgen Schlegelmilch, Bernhard J. Berger, Han Jinguang, Ali Abdallah, Jason Crampton, Philippe Balbiani, Pierangela Samarati, S. De Capitani di Vimercati, В. Мухин, А.М. Волокита, А.Ю. Щеглов, К.А. Щеглов, Н.А.Гайдамакин, Д.П. Зегжда, А.Ю. Щербаков, В.А. Герасименко, С.В. Белим, Н.Ф. Богаченко, Ю.С. Ракицкий и др.

Совместная реализация методов и алгоритмов разграничения доступа к информации исследованы в научных трудах зарубежных ученых, таких как Rivera Sanchez, C. E. Phillips, Mustafa Kocatürk, Taflan Gündem, П.Н. Девянин.

В развитие этого направления в нашей Республике внесли свой вклад Т.Ф. Бекмуратов, С.К. Ганиев, М.М. Каримов, А.А. Ганиев, Д.Я. Иргашева, А.А. Сулима, О.М. Исмоилов и др.

Несмотря на достаточный уровень теоретических исследований в области объединения моделей контроля доступа к информации, недостаточно исследованы методы и алгоритмы их практической реализации, связанные с формализацией в инфокоммуникационных системах.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках научных проектов согласно плану научно-исследовательских работ Ташкентского государственного технического университета №А-5-48 «Способы повышения защищенности информации при контроле доступа к создаваемым файловым объектам в инфокоммуникационных системах» (2015-2017) и ЁОТ-Атех-2018-168 «Совершенствование методов и средств обнаружения атак в компьютерных сетях» (2018-2019).

Целью исследования является разработка методов и средств на основе моделей разграничения доступа для повышения уровня защищенности инфокоммуникационных систем.

Задачи исследования:

совершенствование модели безопасности для разграничения доступа в инфокоммуникационных системах;

